

ТОШКЕНТ МОЛНИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛНИЯ ИНСТИТУТИ

КУЗНЕВА ДИНОРА БАХОДИРОВНА

АУДИТОРЛИК РИСКНИ БАҲОЛАШ ВА МИНИМАЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри -2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Кузиева Динора Баходировна

Аудиторлик рискини баҳолаш ва минималлаштириш йўллари3

Кузиева Динора Баходировна

Оценка аудиторского риска и пути минимизации25

Kuzieva Dinora Bakhodirovna

Assessment of audit risk and ways of minimization47

Эълон қиллиган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ТОШКЕНТ МОЛНЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛНЯ ИНСТИТУТИ

КУЗИЕВА ДИНОРА БАХОДИРОВНА

**АУДИТОРЛИК РИСКНИ БАҲОЛАШ ВА МИНИМАЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри -2021 йил

Философия доктори (Doctor of Philosophy) имтиҳонининг натижаси Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Миллий университети Соғий вазирлигининг бошқарувида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган.

Диссертация Тошкент миллий университетида қўйилган.

Диссертация автор реферати 2021 йил 17-сентябрда (русл. тилида) Тошкент, Илмий ахборот марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган. Автор реферати марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган.

Илмий раҳбар	Ўзбекистон Ахборот-Маълумот Маркази Илмий ахборот маркази директори, профессор
Раъсий ошқинчилар	Алмасжанна Қаримжановна Ўзбекистон Илмий ахборот маркази директори, профессор Дурамулло Раҳимовна Давлатовна Илмий ахборот маркази директори, профессор
Басма ташкилот	Ўзбекистон Илмий ахборот маркази

Диссертация хисомати Тошкент миллий университети хузуридаги (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган. Илмий ахборот марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган. Илмий ахборот марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган. Илмий ахборот марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган.

Диссертация билан Тошкент миллий университетида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган. Илмий ахборот марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган. Илмий ахборот марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган.

Диссертация автор реферати 2021 йил 17-сентябрда (русл. тилида) Тошкент, Илмий ахборот марказида (UZBEKISTAN) 1990 йилдан бундан буён қўйилган.

168

Т.З.Ташаббос
Илмий ахборот маркази берувчи илмий
марказ раиси ўринбасари, профессор
доктор профессор
Т.З.Ташаббос
Илмий ахборот маркази берувчи илмий
марказ раиси ўринбасари, профессор
доктор профессор
(PhD)

С.М.Қўлиев
Илмий ахборот маркази берувчи илмий
марказ раиси ўринбасари, профессор
доктор профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда машҳур ташкилот Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси (IFIAR) нинг 2018-йил Оттава шаҳрида бўлиб ўтган ялпи мажлисида инновацион технологияларни жорий этиш, аудиторлик касбига таъсир этувчи рискларни баҳолаш асосида “тарихда биринчи марта сифатли аудитни ташкил этишнинг 2018-2021-йилларга мўлжалланган Стратегик режаси тасдиқланди”¹. Натижада, аудиторлик фаолиятининг ўсишида янги бир давр бошланди.

Жаҳон амалиётидаги мавжуд аудиторлик хизматлари бозорининг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, аудит иш сифати ва самарадорлигига эришишда аудиторлик рискин баҳолаш ва минималлаштириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда аудиторлик риски ва унинг таснифланиши, муҳимлик даражаси, баҳолаш услубиёти, аудиторлик текширувларида риск моделларини қўллаш афзалликлари белгилаб берилган. Шундай бўлса-да, аудиторлик текширувларининг халқаро талаблар доирасида ташкил этилиши кўп жиҳатдан аудиторлик рискин ички назорат тизими билан боғлиқликда баҳолаш ва минималлаштириш йўналишлари, ишончли аудиторлик хулосасини шакллантиришда аудиторлик далилларни олиш омилларини тадқиқ этиш билан боғлиқ муҳим масалалар тўлиқ ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти ва ривожланиш йўналишларида “молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жаладлантириш орқали халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш”², халқаро аудит стандартлари асосида “хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг объективлигини тушуниш кўникмасини шакллантириш”³, шунингдек акциядорлик жамиятларининг ҳоли ва ҳаққоний аудиторлик хулосаси билан таъминланиши муҳим ўрин тутди. Ушбу йўналишларда эса тўғри баҳоланган аудиторлик риски акциядорлик жамиятларининг фаолиятига объектив баҳо бериш, бизнес самарадорлигини оширишга замин яради. Шу жиҳатдан, бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолияти бўйича амалга оширилаётган ислохотларда аудиторлик рискларини баҳолаш ва минималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида, ушбу масаланинг илмий ечимини топишга қаратилган тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹О.Ю.Зиборева, А.В.Распутная. Тенденции развития международной аудиторской деятельности в эпоху глобализации экономики/www.cyberleninka.ru, 2018 г.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ЛҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимчи чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ЛҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 19 сентябрдаги ПК-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 24 февралдаги ПК-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сон “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси бўйича хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Аренс, Дж.Лоббек, Д.Р.Кармайкл, М.Бенис, У.Гроневулд, С.Ченг, МДХ нинг иқтисодчиларидан С.М.Бычкова, С.Митрович, В.В.Скобара, Л.В.Сотникова, В.П.Суйц, А.А.Терехов, А.Д.Шереметларнинг аудиторлик рискининг баҳолашнинг назарий ва услубий асослари ҳамда аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб боришган⁴.

Шунингдек, бу борадаги муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари юзасидан республикамиз иқтисодчи олимларидан К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дўсмуратов, А.К.Ибрагимов, Ш.И.Илхамов, А.А.Каримов, Н.К.Каримов, З.Т.Маматов, А.Ж.Туйчиев, М.М.Тулаходжаева, И.П.Қўзиев, Б.К.Хамдамов, Б.А.Хасанов, А.З.Авлоқулов, Е.А.Прокудинларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган⁵.

⁴Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. пер. с англ. / М.: Финансы и статистика. 2015- стр.456; Кармайкл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. -М.: Аудит. ЮНИТИ. 1995- стр.527; Gronewold U. The Probative Value of Audit Evidence // Journal of Forensic Accounting. 2006. № 7 (2). p. 345-394; Chang S., Tsai Ch., Hwang Ch. The development of Audit detection risk assessment system: using the Fuzzy theory and audit risk model. 2007. URL: <http://aisel.isinet.org/ijcirs> 2007; Бычкова С.М. Доказательства в аудите.- М.: Финансы и статистика,1998 - стр. 176; Митрович С. Совершенствование методических основ оценки аудиторского риска как фактора повышения эффективности аудиторских процедур // Научные проблемы гуманитарных исследований. 2011. № 5. С. 299-305; Терехов А.А. Аудит. - М.: Финансы и статистика. 1999. – стр.512; Скобара В.В. Аудит: методология и организация - М.: Издательство "Дело и Сервис", 2008г. – стр.576; Сотникова Л.В. Бухгалтерский учет и аудит кредитов и займов: Практическое пособие. - М.: Изд-во "Бухгалтерский учет", 2000. – стр. 288; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Издательство: "ИНФРА-М", 2006- стр. 448.

⁵Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: Дисс.автореф.и.ф.д.-Т.. 2016; Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назарий, услубий ва амалиёт. Т.: “Молия” нашриёти. 2007; Ибрагимов А.К. Тижорат банкларда ички аудит: шимоларни билдиш керак Корхонани бошқариш,№9., 2013; Илхамов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш услубийети: Монография. Т., Иқтисодиёт. 2010; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг иккунчи йўналишлари: Дисс. автореф. ... и.ф.д.- Т., 2009; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларда ички аудитни ташкил қилиш ва уни услубийетини такомиллаштириш муаммолари: Дисс. автореф. ... и.ф.д. –Т., БМА. 2007; З.Т.Маматов Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари: Т., Тошкент Молия институти. 2004; Туйчиев А.Ж. Мижбуриятлар ҳисоби

Таъкидлаш керакки, халқаро стандартлар асосида аудиторлик рискинни баҳолаш ва минималлаштиришнинг яхлит ҳолатдаги методологик асослари етарли даражада ўрганилмаган. Айниқса, молиявий ҳисобот ҳаққонийлигини таъминлашда, аудиторлик рисklarини аниқлашда далиллар етарлилигини баҳолаш, риск моделларини тўғри танлаш масалалари комплекс тадқиқ қилинмаганлиги ушбу диссертация мавзусини танлашга, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИТИ-3 «Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидагидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудиторлик текширувини ўтказишда аудиторлик рискинни баҳолаш, минималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

аудиторлик фаолиятида аудиторлик рискиннинг моҳияти, аҳамияти ва меъёрий ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ўтказишда аудиторлик рисқи ҳамда унинг компонентларини баҳолашнинг муҳим жиҳатларини очиқ бериш;

молиявий ҳисобот аудитида аудиторлик рисқи ва муҳимликни баҳолаш босқичлари бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик рискинни минималлаштиришда уни баҳолаш тамойилларига аниқлик киритиш ҳамда аудиторлик танлашнинг самарали усулларини қўллаш бўйича амалий тавсиялар бериш;

ишончли аудиторлик фикрини шакллантиришда аудиторлик рисқи ва далиллар етарлилиги ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети аудиторлик рискинни баҳолаш ва минималлаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, такқослаш, илмий тафаккур, иқтисодий статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Монография.-Т.:ТДИУ. 2010; Тулиходжева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. – Т.: Мир экономики и права. 1998; Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологический таҳлил. Дисс. автореф. ... и.ф.д. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т.: 2017; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари. Дисс. автореф. ... и.ф.д. -Т.: 2007; Хасинов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологический таҳлил. Дисс. автореф. ... и.ф.д. –Тошкент., 2004. Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити. Монография. Иқтисод-молия-2019; Прокудин Е.А. Совершенствование методики определения уровня существенности и оценки аудиторского риска в аудите. Дисс. автореф. ... (PhD)- Ташкент. 2020

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички назорат тизими босқичида бизнес жараёнлар бўйича аниқланмаслик рискинни минимал қиймати юқори чегарасини танлаш риски ва аудитор хатоси рискига ажратган ҳолда аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларида самарадорликни таъсирчанлик ва натижавийлик мезонларини аниқлаш орқали ички назорат тизимини баҳолаш кўрсаткичини оптималлаштириш таклиф этилган;

аудиторлик текширувлари сифатини таъминлашда молиявий ҳисобот аудити рискинни дастлабки, миқдор, статистик ва комплекс баҳолаш кетма кетлиги босқичларини экспертиза кўринишидаги алгоритми таклиф этилган;

аниқланмаслик рискинни баҳолашнинг концептуал ёндашуви асосида аудиторлик риски ва дадиллар етарлилиги ўртасидаги алоқадорлик модели таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аудиторлик текширувлари якуни бўйича аудиторлик фикрини асослаш ва аниқланмаслик рискинни минималлаштиришга таъсир этувчи омиллар таснифи ишлаб чиқилган;

аудиторлик текширувларида миқдорий ва монетар танлаш усулларини қўллаш орқали аудиторлик рискинни минималлаштириш йўналишлари таклиф этилган;

аудиторлик рискинни тўғри баҳолашда оқилоналик, муҳимлик даражаси ва аудиторлик ҳулосаси ўртасидаги бонгликлик, режалаштирилган аудиторлик риски билан якуний риск ўртасидаги фаркланувчанлик, аудиторлик риски ва тадбиркорлик риски ўртасидаги қарама-қаршилик тамойилларидан фойдаланиш таклиф этилган;

аудиторлик текширувларига сарфланадиган вақт ва харажатларни камайтириш мақсадида аудиторлик рискинни баҳолашда қўлланиладиган аудит амаллари таркиби кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар аудиторлик текширувларида аудиторлик рискинни баҳолаш ва минималлаштириш бўйича масалаларнинг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар акциядорлик жамиятлари ва аудиторлик ташкилотлари фаолиятига татбиқ этилиши, молиявий ҳисобот аудитини самарали ташкил этиш, ахборотларнинг ишончлилиги даражасини оширишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аудиторлик рискинни баҳолаш ва минималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички назорат тизими босқичида бизнес жараёнлар бўйича аниқланмаслик рискинни минимал қиймати юқори чегарасини танлаш риски ва аудитор хатоси рискига ажратган ҳолда аниқлаш услуги бўйича таклифи “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан ички назорат режа-графикини ишлаб чиқишда ҳамда ташкил этишда фойдаланилган (“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 11 мартдаги НФ-258/811-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ички назоратни ташкил этиш бўйича бухгалтерия ҳисобида ҳатоларни ўз вақтида аниқлаш ва тузатиш, бизнес-жараёнлар юзасидан рискларни минималлаштириш, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш имконияти яратилган;

акциядорлик жамиятларида самарадорликни таъсирчанлик ва натижавийлик мезонларини аниқлаш орқали ички назорат тизимини баҳолаш кўрсаткичини оптималлаштириш бўйича таклифи “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйишда фойдаланилган (“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 11-мартдаги НФ-258/811-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларида ички назорат тизими самарадорлигини ифодаловчи сифат ва миқдор кўрсаткичлари қўлланилиб, жамиятнинг бизнес режасида белгиланган кўрсаткичларга эришиш имконини берган ҳамда молиявий барқарорлик ва рентабеллик кўрсаткичларининг яхшиланишига хизмат қилган;

аудиторлик текширувлари сифатини таъминлашда молиявий ҳисобот аудити рискинни дастлабки, миқдор, статистик ва комплекс баҳолаш кетма кетлиги босқичларини экспертиза кўринишидаги алгоритми бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциацияси томонидан аудиторлик текширувларини сифатли амалга ошириш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2020 йил 15 январдаги 4-сон ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциациясининг 2020 йил 18 февралдаги 16-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аудиторлик текширувларида рискин дастлабки баҳолаш, рисkning миқдори хусусиятларини баҳолаш, статистик усуллар орқали баҳолаш ва комплекс баҳолаш босқичларини қўллаш орқали аудиторлик рискинни яхлит ва узлуқсиз ҳолда баҳолаш имконияти яратилган;

аниқланмаслик рискинни баҳолашнинг концептуал ёндашуви асосида аудиторлик риски ва дахиллар етарлилиги ўртасидаги алоқадорлик модели бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциацияси томонидан аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича услубий қоидаларни ишлаб чиқишда

фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2020 йил 15 январдаги 4-сон ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциациясининг 2020 йил 18 февралдаги 16-сон маълумотномалари). Мазкур тақлифнинг амалиётга жорий этилиши ишончли аудиторлик фикрини шакллантириш мақсадида аудиторлик далилларини етарли даражада кенгайтириш ва аниқланмаслик рискинни минималлаштириш имконини берган.

Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Аудиторлик текширувларини ташкил этишда аудиторлик рискинни баҳолашнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда ҳозирги шароитда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда аудиторлик фаолиятида рискнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асослари, аудиторлик текширувларида аудиторлик рисқи моделларининг қўлланилиши бўйича назарий масалалар ёритилган.

Маълумки, республикамызда ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларнинг доираси кенгаймоқда. Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашга бўлган талаблар ошмоқда. Бу эса аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришга ҳамда корпоратив бошқарув сифатини оширишда аудиторлик хизматларини тубдан такомиллаштиришни талаб этмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йил 19 сентябрда қабул қилинган ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан куйидагилар баён этилган: “... аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз

аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига мутлақо мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти”⁶ деб кўрсатма беришлари ҳам айни ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, аудиторлик рискни баҳолаш муаммоси амалиётда халқаро аудит стандартларини қўллаш зарурияти билан янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Аудиторлик ташкилоти учун аудитнинг барча босқичларида рискни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

1-жадвал

Иқтисодчи олимларнинг аудиторлик rischi ҳақидаги қарашлари⁷

Республикамиз олимлари	
З.Т.Маматов	Аудит хатарин – йўл қўйиш мумкин бўлган, мақбул даражадаги аудит хатарин, аудит чоғидаги хатар ⁸ .
Р.Д.Дусмуратов	Аудиторлик фаолиятидаги “таваккалчилик”, “таҳлика”, “ғов” каби турли таржималар “риск” атамасининг асли моҳиятини очиб бермайди ⁹ .
М.М.Тулаходжаева, Ш.И.Илхамов	Аудиторлик таваккалчилиги – бу аудиторлик текширувининг, миқозининг ички назоратини самарасизлиги, аудиторлар томонидан миқоз хатоларини аниқлай олмаслиги таваккалчилигини баҳолашдир ¹⁰ .
Хориж олимлари	
А.Аренс, Ж.Лоббек	Аудиторлик rischi – аслида ҳисоботда жилдий хатолар мавжуд бўлса-да, аудитор томонидан молиявий ҳисобот тўғри тузилганлиги тўғрисида ҳулосага келинганлиги ва тузатишларсиз ҳулоса чиқарилиши, деб таърифланади. Ушбу таърифта биринчи турдаги риск (стандартга мувофиқ) мавжуд эмас ¹¹ .
В.В.Скобара	Аудиторлик rischi шундан иборатки, текшириладиган ҳисоботнинг тўғрилиги ҳақидаги билдирилган аудиторлик фикри нотўғри бўлиши мумкин ¹² .
Ю.А.Данилевский, Е.М.Гутцайт, О.М.Островский	Аудиторлик rischi хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисида нотўғри фикрни шакллантириб, аудиторнинг хато қилиши эҳтимоллиги сифатида тавсифланади. (Умумий аудит rischiни аниқлашга бундай ёндашув аудит бўйича илмий нашрларнинг замонавий муаллифлари орасида етарлича кенг тарқалган) ¹³ .

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ПҚ-3946, 2018-йил, 19-сентябр, www.lex.uz.

⁷ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шундай чиқилган

⁸ З.Т.Маматов. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.- Т.: Тошкент Молия институти, 2004 йил, 231-бет

⁹ Дусмуратов Р.Д. “Аудиторлик фаолияти, назария, усулбўйи ва амалиёт.” Т.: “Молия” нашриёти, 2007 йил, 85-бет

¹⁰ М.М.Тулаходжаева, Ш.И.Илхамов “Аудит”, Ўқув қўлланма, – Т.: Иқтисодиёт, 2013, 109-бет

¹¹ Аренс А., Лоббек Дж. Аудит: пер. с англ. ил. редактор серии проф. Я.В. Соколов.- М.: Финансы и статистика, 2015г. стр.460.

¹² Скобара В.В. Аудит: метрология и органи вишик. - М.: Издательство "Дело и Сервис", 2008г. стр.263

¹³ Данилевский Ю.А., Гутцайт Е.М., Островский О.М. Разработка общероссийских правил (стандартов) аудиторской деятельности//Бухгалтерский учет. – 2010, стр.36

Тадқиқотда аудиторлик рискинни баҳолаш ва минималлаштириш юзасидан хориж ва республикамиз олимларининг илмий-назарий қарашлари ўрганилган ҳолда аудиторлик рисқи, аудит хатари, таваккалчилик, таҳлика, ғов, хатолар каби тушунчаларнинг мунозарали жиҳатлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди (1-жадвал).

Натижада, аудиторлик рисқи бўйича муаллифлик таърифи шакллантирилган, яъни аудиторлик рисқи – бу аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботни ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун аудит стратегиясини белгилаш ва аудиторлик хулосасини шакллантиришда мавжуд вариантлардан муқобилни танлашдаги тахмин, аудиторлик текшируви самарасизлиги хавфини баҳоловчи эҳтимолликдир.

Тадқиқот натижаларимизга кўра, аудиторлик рискинни қуйидагича таснифлаш мумкин (1-расм):

ТАСНИФЛАНИШ БЕЛГИСИ	РИСК ТУРЛАРИ	ТАЪРИФ
<p>НОТЎҒРИ (РИСКЛИ) ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА</p> <p>РИСК МАНБАИ БЎЙИЧА</p>	Биринчи турдаги риск	Молиявий ҳисобот ҳақиқатда ишончли бўлганда, унинг ишончсизлиги тўғрисида фикр билдириш рисқи
	Иккинчи турдаги риск	Катта хатолари мавжуд бўлган ҳолда ҳисоботнинг ишончли эканлиги ҳақида фикр билдириш рисқи
	Ажратиб бўлмайдиган риск	Ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқланишга қадар муҳим хатоликларнинг юзига келиши эҳтимоллиги
	Нazorat рисқи	Корхонада мавжуд бўлган ва муштари қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими воситалари сезиларли хатоликларни ўз вақтида аниқлаш олмастек эҳтимоллиги
	Аниқланмаслик рисқи	Текширув давомида аудитор томонидан қўлланиладиган аудиторлик амаллари мавжуд бўлган хатоликларни аниқлашга имкон беришмаслик эҳтимоллиги
	Танлаб текшириш рисқи	Танланмада мавжуд муҳим хатоликлар икк эттирилмаслик эҳтимоллиги
	Аудитор хатоси рисқи	Мавжуд хатонинг аудитор томонидан аниқланмаслиги

1-расм. Аудиторлик рискининг таснифланиши¹⁴

Аудитор ажратиб бўлмайдиган ва назорат рисklarини баҳолаш асосида ўз иши давомида йўл қўйиши мумкин бўлган аниқланмаслик рискинни белгилаши ва уни минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, мос аудиторлик амалларини режалаштириши лозим. Ушбу меъёрлар анъанавий

¹⁴Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қарашларга нисбатан аниқланмаслик рискинни ташкил этувчиларини ажратиб кўрсатишга янгича ёндашишни талаб қилади. Бизнингча, аниқланмаслик рискинни кенг маънода, яъни аудиторлик текшируви натижасида мавжуд жиддий хатолар аниқланмаслиги ва аудитор томонидан мос равишда баҳоланмаслиги ҳамда мижоз учун ёзма ахборотда ақс эттирилмаслиги, шунингдек, бевосита аудиторлик хулосасида текшириляётган ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида профессионал мулоҳазатарни шакллантиришда ҳисобга олинмаслиги эҳтимоллиги сифатида кўриб чиқиш лозим. Аниқланмаслик рискиннинг камида иккита таркибий қисмини ажратиб кўрсатиш максалга мувофиқ.

танлаш рисқи (R_{tt}) (танлаш репрезентатив эмаслиги ёки танланмага жиддий хатолар тушмаслиги эҳтимоллиги);

аудитор хатоси рисқи (R_{ax}) (ташки ёки ички омиллар таъсири натижасида аудитор томонидан хатоларнинг ўтказиб юборилиши рисқи).

Юқоридаги ҳолат бирга ва мустақил бўлганида қуйидаги аниқланади:

$$DR = R_{tt} + R_{ax} - R_{tt} * R_{ax} \quad (1)^{15}$$

Келтирилган формула (1) аниқланмаслик рискинни баҳолашга эҳтиёткорлик билан ёндашишни, аудиторлик рискиннинг мазкур таркибий қисмига ўзгача назар ташлаш имконини беради. Аудиторлик рисklarини моделлаштиришни амалиётда кенгрок кўллаш учун, аниқланмаслик рисқи ички ва назорат рисқидан кам бўлиши кераклигига оид шартни жорий этишнинг ўзи етарли эмас. Моделдан фойдаланиш учун аудиторлик рисқи компо-нентларининг тахминий қийматлар соҳаси қандайлигини аниқлаш ҳам талаб этилади. Қуйида аудиторлик рисқи компонентлари қийматларининг мумкин бўлган оралиқларини график тарзда ифодалаймиз (2-расм).

*Аудиторлик
рисқи
компонентлари*

IR	(0,2...0,9)
CR	(0,1...0,7)
DR	(0,01...0,3)
R _и	(0...0,2)
R _н	(0,01...0,1)

0 0.01 0.02 0.03 0.04 0.05 0.06 0.07 0.08 0.09 0.1 0.2 0.3 0.4 0.5 0.6 0.7 0.8 0.9 1

Оралиқлар

Риск юқори даражадаги оралиқлар

2-расм. Аудиторлик рисқи компонентларининг оралиқлари¹⁶

¹⁵ Таъкикот натижалари исосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁶ Таъкикот натижалари исосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудиторлик rischi компонентларининг мумкин бўлган қийматларининг қуйидаги тартиби таклиф этилади: IR (0,2 ... 0,9), CR (0,1 ... 0,7), DR(0,01...0,3), R_{tt} (0... 0,2). R_{ax} (0,01 ... 0,1). Бошқача айтганда, кейинги моделлаштириш учун уни баҳолашда аудитор томонидан қўлланиладиган ички riskнинг минимал қиймати 0,3 ни, назорат қилишнинг минимал қиймати эса 0,2 ни ташкил қилади. Аниқланмаслик rischi учун биз паст кўрсаткични эмас, балки қийматнинг юқори чегарасини аниқлашимиз керак (бу бизнинг тахминимизга кўра 0,3 га тенг). Ташлаб текшириш rischi учун минимал қиймат 0 га тенг. Бу ўзини бутунлай оқлайди - ҳақиқатан ҳам ялпи текширувда ташлаб текшириш rischi нолга тенг. Бирок, бу ҳолатда аниқланмаслик rischi ҳам нолга тенг бўлади дегани эмас. (Аниқланмаслик riskининг минимал қиймати аудиторлик хатосининг минимал қийматига тенг бўлади). Аудиторлик хатоси rischi биз томонимиздан 0,01 дан 0,1 оралиғида белгиланди. Натижада, аудиторлик riskининг минимал қиймати (I) формулага кўра: $0 + 0,01 - 0,01 \times 0 = 0,01$.

Аудиторлик текширувини режалаштириш босқичида riskни баҳолаш ушбу текширув учун зарур бўлган вақт ва меҳнат сарфини аниқлашга хизмат қилади. Умумий аудит режаси ва аудит дастурини шундай тузиш лозимки, бунда аудиторлик текширувига сарфланадиган вақт ва меҳнат сарфини асоссиз равишда оширилишига йўл қўймасдан аудиторлик riskини минимал даражагача олиб келиш лозим. Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичида аудиторлик riskини баҳолаш тўлланган аудиторлик далиллари ҳажмига нисбатан мувозанатли ва асосланган ёндашув учун, сегментлар бўйича тақланмалар ҳажмини аниқлаш, таҳлилий амалларни бажариш ва батафсил тестларни ўтказиш учун зарурдир.

Диссертация ишининг иккинчи боби “Аудиторлик текширувини режалаштириш ҳамда ўтказишда аудиторлик riskини баҳолашнинг амалий жиҳатлари” деб номланиб, аудиторлик riskи компонентларини баҳолашнинг услубий асослари, аудиторлик амаллари ҳамда ички назоратни ташкил этиш илмий жиҳатдан батафсил ёритилган.

Riskларни баҳолаш механизмининг самаралорлигига молиявий ҳисобот аудитининг ҳар бир босқичида тизимли ёндашув ва изчил баҳолашни қўллаш орқали эришилади. Фикримизча, аудиторлик riskи компонентларини келгусида сифат жиҳатдан баҳолашга ўтиш эҳтимоли билан riskларни тўғридан-тўғри миклорий баҳолалишига эътибор қаратиш лозим.

Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ҳақида ишончли маълумотга эга бўлмасдан аудиторлик riskини баҳолаш мумкин эмас. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончилигини тасдиқлаш учун молиявий ҳисобот аудитида рақамли кўрсаткичлар оширилганлиги ёки камайтирилганини текшириш лозим.

Бу ерда аудитор ҳисоботдаги ҳар бир рақам ишончли эканлигини эмас, балки “барча муҳим жиҳатларда” ҳисобот ишончли эканлигини тасдиқлашига эътибор қаратиши лозим. Яъни, аудиторлик riskини баҳолашдан олдин аудиторлик ташкилоти томонидан муҳимлик

кўрсаткичининг режалаштирилган киймати қабул қилинган методикага мувофиқ белгиланади (2-жадвал).

2-жадвал

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2019 йил 1-январ ҳолатига тузилган молиявий ҳисобот бўйича муҳимлик даражасини ҳисоблаш¹⁷

Асосий кўрсаткичлар	Қиймати	%	Муҳимлик даражаси
1	2	3	4
Маҳсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан олинган тушум	7 248 095 155	5	362 404 758
Сотилган маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари	5 016 474 367	3	150 494 231
Жами давр харажатлари	1 037 956 845	3	31 138 705
Балансинг жами суммаси	30 050 573 400	2	601 011 468
Хусусий капитал	5 572 250 204	10	557 225 020
Жорий активлар	11 330 495 568	2	226 609 911
Тақсимланмаган фойда	968 333 274	2	19 366 666

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг молиявий ҳисоботи бўйича муҳимлик даражасини ҳисоблашда, АЖ учун мос келадиган асосий кўрсаткичлар сараланиб, 4-устундаги кўрсаткичларнинг ўртача миқдори қуйидагича аниқланди:

$$\text{Ўрт.}(4) = (362\,404\,758 + 150\,494\,231 - 31\,138\,705 + 601\,011\,468 - 557\,225\,020 + 226\,609\,911 - 19\,366\,666) : 7 = 278\,321\,537$$

Энг паст кўрсаткич ўртача кўрсаткичдан ва энг юқори кўрсаткичнинг ўртачадан фарқи қанчага фарқ қилиши аниқланади:

$$(278\,321\,537 - 19\,366\,666) : 278\,321\,537 * 100\% = 93\%$$

$$(601\,011\,468 - 278\,321\,537) : 278\,321\,537 * 100\% = 115,9\%$$

Ҳар иккала ҳолатда ҳам энг юқори ва энг паст кўрсаткичларнинг ўртача кўрсаткичдан, бошқа барча кўрсаткичлардан ҳам фарқи сезиларли даражада катта бўлганлиги сабабли энг юқори (601 011 468 сўм) ва энг паст (19 366 666 сўм) кўрсаткичлар ҳисоб-китобдан чиқариб ташланади.

Бошқа қолган кўрсаткичлар асосида энг паст кўрсаткич ўртача кўрсаткичдан ва энг юқори кўрсаткичнинг ўртачадан фарқи 20 фоизлик кўрсаткич доирасида бўлмаганга қадар ҳисоб-китоблар давом эттирилади. Бизнинг тадқиқот натижамиз бу кўрсаткич 226 609 911 сўмга тенглигини кўрсатди.

Текшириш учун тақдим этилган молиявий ҳисоботдаги рақамли кўрсаткичлар (миқдор ифодасида рискларни баҳолаш) аудиторлик рискни дастлабки баҳоланиши “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида келтирамиз (3-жадвал).

¹⁷ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг молиявий ҳисоботи моддалари бўйича аудиторлик risksини
режалаштириши ва баҳолаш¹⁸**

Молиявий ҳисоботи моддалари		Муҳимлик, даража ва фреkwэнция прoцент	Режалаштирилган аудиторлик риски	“Ушбу моддалар режалаш тирилди” дeяни Salo (C / Y)	Балли ва фoрeмa (бoрлик Ушбу C / DR)	Ажратилган маълумотлар DR	Нoлoрaт риси C/R	Хавфкoчлиги аудиторлик риси (6-7-с/1-5/1)	“Жiмшeтлив хaтo (C / X)	Аудиторлик риси DR	Мушaфeқ бўлган риси (сaкaтoчлик) Min (DR, C/R, DR)	Ажратилган маълумотлар C / Y
Номи	Қиймати											
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Асосий восита лар	14 104 988 144	5 316 115,0	0,05	705 249 407	0,50	0,34	0,47	0,06	846 299 289	0,5	0,25	4 526 247 046
Нoлoдий активлар	142 969	226 700	0,05	221 48 5	0,50	0,33	0,37	0,06	26 578	0,5	0,25	110 712,25
Ушбу моддалар молиявий инвестициялар	2 107 680 468	794 450,0	0,05	1 053 810 181	0,99	0,34	0,47	0,01	21 076 801	0	0,01	21 076 803,7
Уриштирилган дебeт ҳoкoмлaр	40 920 920	11 435,0	0,05	2 045 046	0,34	0,34	0,47	0,08	3 272 074	0,7	0,25	10 225 240
Тoвар-мaддий захиралар	943 192 266	351 385,0	0,05	471 596 133	0,33	0,33	0,47	0,08	75 455 381	0,7	0,25	235 798 066,5
Тайёр маҳсулот	17 124 355	6 807,0	0,05	856 217,8	0,20	0,34	0,47	0,1	1 712 436	0,8	0,25	4 281 058,8
Тўлганмишган жoнoб чикdиш	75 531 367	34 605,0	0,05	37 765 684	0,20	0,33	0,37	0,1	7 553 137	0,8	0,25	18 882 841,8
Кeлeсe, бир хaрoжaт лaр	8 583 815 856	3 241 810,0	0,05	429 190 794	0,10	0,34	0,47	0,1	858 481 586	0,8	0,25	2 145 953 964
Дeбитoрлик қaрзи	1 029 206 339	485 490,0	0,05	51 460 317	0,33	0,34	0,47	0,08	52 336 507	0,7	0,25	257 401 584,8
Қисқа мoддий молиявий инвестициялар	1 761 945	566 750	0,05	88 097	0,20	0,34	0,47	0,1	176 194	0,8	0,25	440 486,1
Пул мaблaглaри	768 664 121	294 710,0	0,05	35 433 156	0,20	0,33	0,47	0,1	76 866 312	0,8	0,25	192 157 802,3
Бoғлaн жoрий активлар	4 856 041	1 134 500	0,05	192 802	0,10	0,34	0,47	0,11	424 165	0,9	0,25	964 010,1
Ушбу капитал	5 572 259 204	2 096 975,0	0,05	278 612 510,2	0,99	0,34	0,47	0,01	55 722 502	0	0,01	55 722 502
Резерв капитал	7 678 651 916	2 901 760,0	0,05	383 942 595,8	0,99	0,34	0,47	0,01	76 786 519	0	0,01	76 786 519
Тaквeтлaнмишaн фoй бeт	968 333 274	462 720,0	0,05	48 416 663,7	0,99	0,33	0,37	0,01	9 683 333	0	0,01	9 683 332,7
Кредиторлик қaрзи	45 082 288	17 002,5	0,05	2 351 114,1	0,34	0,34	0,47	0,08	3 606 583	0,7	0,25	11 270 572
Ушбу маълумотлар	3 18 215 177	201 630,0	0,05	27 410 773,9	0,10	0,33	0,37	0,11	60 303 703	0,9	0,25	137 053 869,3
Сoғлoқлaн гaнум	7 218 095 155	2 731 735,0	0,05	362 404 757,8	0,20	0,33	0,37	0,1	721 809 516	0,8	0,25	1 812 023 789
Сoғлoқлaн маҳсулот тaнoрaи	5 016 474 367	1 892 945,0	0,05	250 823 718,4	0,20	0,33	0,37	0,1	501 647 437	0,8	0,25	1 254 118 592
Сoғлoқлaн хaрoжaт лaри	90 050 595	34 605,0	0,05	4 502 529,8	0,20	0,33	0,37	0,1	9 005 060	0,8	0,25	22 512 648,8

Аудиторлик хуш хабар

0000

0000


¹⁸ Тадкикот на нeжa қaрл aсoсидa муaллимf oмoнaдaн лeшeб чикdилaн.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, асосий воситалар бўйича ҳақиқатдаги аудиторлик rischi 6 фоизни, эҳтимолли хато 846 299 289 сўмни, келгуси давр харажатлари бўйича ҳақиқатдаги аудиторлик rischi 10 фоизни, эҳтимолли хато 858 381 586 сўмни, дебиторлик карзи бўйича ҳақиқатдаги аудиторлик rischi 8 фоизни, эҳтимолли хато 82 336 507 сўмни, мақсадли тушумлар бўйича ҳақиқатдаги аудиторлик rischi 11 фоизни, эҳтимолли хато эса 60 303 703 сўмни ташкил этган.

Демак, аудиторлик rischi мақбул тўшамини аниқлашда муҳимлик даражасига янада сиңковлик билан эътибор қаратиш ҳамда ажратиб бўлмайдиган, назорат ва аниқлашмаслик riskларини оптимал шакллантириш керак.

Шакллантирилган 3-жадвал аудиторга максимал risk зоналарини аниқлаш ҳамда режа ва текшириш дастурларини тузишга кўмаклашини имконини беради.

Мукаммал ички назорат тизимини ташкил этиш доимий жараён ҳисобланади. Самарали ички назорат тизимини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳати riskларни ҳисобга олинган ёндашувни тизимли модернизация қилишдир. Ички назорат тизимини оптималлаштириш бўйича қуйидаги босқичларни таклиф этамиз:




3-расм. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ да ички назоратни ташкил қилиш алгоритми¹⁹

Шунингдек, ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашда миқдор ва сифат кўрсаткичларини жорий этишни таклиф этамиз. Сифат кўрсаткичлари бошқарув тизимидаги ўзгаришларни маънавий баҳолашни, назорат муҳити ва назорат қилинадиган тизимларнинг, шу жумладан ички

¹⁹Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

назорат тизимининг айрим томонларини тавсифлайди. Микдор кўрсаткичлари эса нисбий ёки ўртача кийматларни ўрганиш билан боғлиқ иктисодий-математик ҳисоб-китобларга асосланади.



4-расм. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг ички нazorat тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари²⁰

Самарадорлик мезонларини ишлаб чиқишда самарадорликнинг икки таркибий қисми: таъсирчанлик ва натижавийлик асос бўлиб хизмат қилади. Таъсирчанлик нazorat амалларининг нazorat объектига таъсир кўрсатишини, натижавийлик эса, бу таъсирнинг бошқарув мақсадларига нисбатан ижобий бўлишини аниқлатади. Ички нazorat тизимининг самарадорлиги бутун тизимга ёки унинг қисмларига ва нazoratнинг муайян шаклларига нисбатан кўриб чиқиши мумкин.

Диссертация ишининг учинчи боби “Аудиторлик текширув сифатини оширишда аудиторлик рискинни минималлаштириш масалалари” деб номланиб, аудитда муҳимликни аниқлаш, аудиторлик далилларининг стардидлигини таъминлаш орқали аудиторлик рискинни минималлаштириш йўналишлари изоҳлаб берилган, аудиторлик рискинни баҳолаш тамойиллари шакллантирилган.

Аудиторлик рискинни минималлаштириш мураккаб ва кўп босқичли жараён. Аслида, аудиторлик рискинни минималлаштириш – бу ажратиб бўлмайдиган риск (IR) ва нazorat рискиннинг (CR) мавжуд кийматларида мақбул аудиторлик рискига (AR) эришиш учун аниқланмаслик рискиннинг (DR) оптимал даражасини аниқлашдир.

²⁰ Таъқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудитор назорат rischi тўғрисидаги мулоҳазани шаклантиришда “ўз ҳаракатларига ўралашиб қолмаслик” учун тадқиқот натижалар асосида қуйидаги таклифни берамиз: аудит ўтказишда аудиторлик амаллари кетма-кетлигига ўзгартириш киритиши мақсадга мувофиқдир. Дастлаб ички назорат тизими ва риск даражаси баҳоланади, фақат шундан кейин аудит дастури тузилади. Бу эса қуйидагиларга имкон беради:

ички назорат тизимининг ҳолати тўғрисида ҳақиқий маълумотларга асосланиб, аудит дастурини тузиш;

аудитга ўзгартириш киритишда меҳнат ҳақи харажатларини камайтириш;

аудит сифатини яхшилаш.

Аудиторлик riskини баҳолаш технологияларини тадқиқ қилиш натижаларига кўра биз томонимиздан баҳолашнинг қуйидаги муҳим тамойиллар шаклантирилди:

аудиторлик riskи ва унинг компонентларини баҳолаш оқилона равишда амалга оширилиши;

аудиторлик riskини баҳолаш муҳимлик даражаси ва аудиторлик хулосаси шакли билан ўзаро алоқадорлигини таъминланиши;

аудиторлик riskини баҳолаш ва моделлантириш текширувлар ҳажмини камайтириш мақсадига эга бўлмаслиги;

танлаб текшириш ҳажмини қисқартиришга нисбатан аудиторлик riskининг умумий қийматини камайтириш ҳар доим ҳам яхшироқлиги.


аудиторлик riskини баҳолашда аудитор профессионал мушоҳадани қўллаши.

